**ЎзХДП ҳаёти**

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА ИСЛОҲОТЛАР: ҲАРАКАТЛАР БИРЛАШИШИ



**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси билан биргаликда халқ таълимида ислоҳотлар самарасини ошириш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш улар меҳнатини моддий рағбатлантириш масалаларига бағишланган қўшма йиғилиш бўлиб ўтганлиги ҳақида хабар берган эдик. Қуйида мазкур йиғилишнинг тафсилотлари, иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.**

«Давра суҳбати» Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Л.Ғуломовнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурининг муҳим устуворликларидан бири бўлган халқ таълимидаги ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган чиқишидан бошланди.

Хусусан, мамлакат Президентининг 2004-2009 йилларга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда улар меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган Фармон ва Қарорларини партия томонидан тўла-тўкис қўллаб-қувватланиши қайд этилди.

Бу ҳужжатлар ва уларнинг ижросига бағишланган ҳукумат қарорларини, Халқ таълими вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари ҳамда электоратининг ҳаётий манфаатларига бевосита жавоб беради. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлодда юксак маънавиятни шакллантираётган ўқитувчиларни партия ўз электоратининг таянч бўғини, деб ҳисоблайди. Чунончи, партиянинг 2005 йил июль ойида бўлиб ўтган V қурултойида айнан бу ишларда бевосита иштирок этиш Ўзбекистон ХДП ва унинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг муҳим вазифаси этиб белгилаб қўйилган эди.

Халқ таълими вазири Т.Жўраев Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури асосида 2004-2005 йилларда таълим тизимида олиб борилган ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг унинг ижросига бағишланган қарорларини бажариш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида батафсил маъруза қилди.

Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов соҳада кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг иккинчи босқичини амалга ошириш якунлари ва унинг янги учинчи босқичида турган вазифалар тўғрисида ахборот берди.

Вазир Т.Жўраевнинг компьютер кўргазмали тақдимоти «давра суҳбати» иштирокчиларига мамлакат Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига асосан амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришларни аниқ мисоллар асосида, ишончли тарзда намоён этди.



Айтиш жоизки, бугунги кунда халқ таълими тизимида, айниқса, мактаб таълими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли иш олиб борилмоқда. Янги мактаблар қурилмоқда, мавжудлари тезкорлик билан таъмирланяпти. Спорт майдончалари, заллари ва комплекслари жиҳозланмоқда. Мактаб кабинетлари ҳозирги замон ўқув мебели, компьютер техникаси билан жиҳозланмоқда.

Буларнинг ҳаммаси баҳс-мунозара иштирокчилари қайд этганидек, бевосита бош мақсад — маълумотли, юксак маънавиятли, жисмоний соғлом, баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган эзгу ишлардир. Бу ҳаракатлар бевосита Ўзбекистон ХДП электоратининг сифатли ва ҳаммабоп ўрта таълимга бўлган ҳаётий эҳтиёжига жавоб беради.

Маъруза ва чиқишлар бўйича иштирокчиларнинг қизғин баҳс-мунозаралари давомида маърузачилар томонидан таъкидланган масалалар бўйича муаммоларни аниқлаш ва уларни тезда ҳал этиш йўлида ҳаракатларни бирлаштиришга эътибор қаратилди.

Шуниси эътиборлики, қайд этилди йиғилишда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мактаб таълимини ривожлантиришдек муҳим умумдавлат вазифасидан четда турмаётир. Масалан, Сирдарё, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардаги қатор халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари бу масалаларни ҳал этиш устидан оталиқ қилмоқдалар, мактаб таълимини ривожлантириш маҳаллий фондларига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни жалб этишга фаол кўмаклашмоқдалар.

Йиғилишда, шунингдек, халқ таълими ходимлари Ўзбекистон ХДП электоратини ташкил этиши қайд этилди. Улар меҳнат малакаларига мувофиқ доимий иш ва муносиб ҳақ тўлаш бўйича ижтимоий манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниши кафолатланиши лозим бўлган одамлар сирасига кирадилар. Бинобарин, Ўзбекистон ХДП Дастурида ўсиб келаётган авлодда маънавиятни шакллантираётган ўқитувчилар жамиятда етакчиликка эришиш учун курашда асосий таянчлардан бири деб тилга олинган.

Айни пайтда халқ таълимида Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аъзоларидан катта қисми меҳнат қилмоқда. Улар фаолият кўрсатаётган кўпчилик жамоаларда партиянинг ўз бошланғич ташкилотлари бўлиб, Ўзбекистон ХДП ўзини олижаноб касбга бағишлаган бу одамлар эҳтиёжлари, манфаатлари ва талабларини ана шу бошланғич ташкилотлари орқали яхши билади.

Бу манфаатларни изчил амалга оширишга кўмаклашишнинг самарали шаклларидан бири — бу жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳукумат қарорлари ижросининг мониторингидир. Бундай таҳлил ва кузатувнинг бош мақсади — мазкур қарорлар томонидан педагог ходимлар меҳнатини ҳисобга олиш ва ҳақ тўлашнинг янги ёндошувларини амалга ошириш бўйича чоралар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан мустақил жамоатчилик назоратини таъминлашдир.

Йиғилиш иштирокчилари халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизими ўқитувчи меҳнатини самарали ва тўлиқ ҳисобга олиш ҳамда уни муносиб тақдирлаш сари қўйилган катта қадам бўлганлигини қайд этишди. Барча нотиқлар халқ таълими тизимида ўқитувчилар меҳнатини ҳисобга олиш ва унга ҳақ тўлашнинг янгича ёндошувларини татбиқ этишга қаратилган амалий чора-тадбирларни тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар. Эндиги энг муҳим иш, йиғилишда таъкидланганидек, мамлакат Президентининг қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлашдир.

Йиғилишда вазирлик томонидан қониқиш билан таъкидландики, бу масалаларда қабул қилинган қарорлар билан чекланилмайди, аксинча, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизимини янада такомиллаштириш бўйича ижобий таклифлар доимий қабул қилинади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва минтақавий кенгашлар, депутатлик тузилмалари бу жараёнда фаол иштирок этишга тайёр эканлигини билдирдилар.

Ҳозирда жойлардаги ХДП кенгашлари ҳузурида жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилганлиги бугун кўпчиликка маълум. Партия улар асосида ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш янги тизимининг жорий этилиши бўйича ўқитувчиларга, қолаверса, барчага бевосита ёрдам беришга тайёр.

Йиғилиш иштирокчилари бу масалалардаги мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш йўлида манфаатдор томонлар ҳаракатларини бирлаштириш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Албатта, бундан биринчи даражали давлат иши — халқ таълими тизими фақатгина ютади.

Қўшма йиғилиш якуни асосида ХДП туман, шаҳар кенгашлари раҳбарлари ва халқ депутатлари тегишли Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари Қорақалпоғистон Республика Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари билан бирга, худди шундай минтақавий йиғилишларни ўтказиш кўзда тутилмоқда.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

# СУД АМАЛИЁТИ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Н.Тошматов бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Судларнинг ихтисослашуви, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ярашув ва апелляция институтларининг жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини янада мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлди.

2005 йилда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинлаш 2000 йилга нисбатан қарийб икки баробарга камайди. Айни пайтда шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш билан боғлиқ жазо турлари — жарима жазосини қўллаш етти баробарга, шартли ҳукм қилиш икки баробарга ортди. Соҳада ярашув институти жорий этилганидан буён қирқ мингдан ортиқ шахс судланишдан асраб қолинди. Жиноят оқибатида етказилган 20 миллиард 650 миллион сўмдан ортиқ моддий зарарни қоплаган етти мингдан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Шу билан бирга, баъзан судлар томонидан жазо тайинлашда жазо тури ва меъёрини белгилашда хатоларга йўл қўйиляпти. Айни жараёнда апелляция институти имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, бу институт суд хатоларини ўз вақтида тузатиш ва сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим воситасидир.

Шу боис мазкур масала бўйича қонун нормаларини тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Пленумда судлар томонидан жиноят ишларини апелляция инстанциясида кўриш амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама этилганида апелляция инстанцияси суди ваколатларидан тўғри ва тўлақонли фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келаётган айрим масалалар ҳақидаги қарор лойиҳаси муҳокамасида, судлар томонидан ер муносабатлари билан боғлиқ низоларнинг тўғри ҳал этилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Мазкур қарорда ер билан боғлиқ низолар асосан тўғри ҳал қилинаётганлиги эътироф этилиб, Ер кодексининг айрим моддаларини амалиётда қўллаш бўйича тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, суд ишларини кўриш тартибини соддалаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилишда ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Бу борада 2003 йил 12 декабрда Фуқаролик процессуал кодексига киритилган суд буйруғи институти фуқаролик ишларини юритиш тартибини соддалаштириш, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик ишларини тез ва сифатли ҳал этиш имконини бермоқда. Жумладан, ўтган йили судлар томонидан 17 мингдан ортиқ иш суд буйруғи чиқариш орқали ҳал этилди. Мажлисда мазкур институтни амалиётда қўллашда келиб чиққан айрим масалалар юзасидан ҳам тушунтиришлар берилди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**



# ТИББИЁТИМИЗНИНГ ЭРТАСИ

Маълумки, мамлакатимизда тиббиёт тизимини янада мустаҳкамлаш учун ёш кадрлар тайёрлаш, замон талабларига мос илм даргоҳлари, коллежлар барпо этишга катта аҳамият бериляпти.

Термиз шаҳридаги тиббиёт коллежи ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, малакали ўқитувчилар талабаларга билим ва тажриба ўргатишмоқда.

Зеро, бугунги талабанинг нечоғлик пухта билим олиши, касб кўникмасига эга бўлиши тиббиётимизнинг келажакдаги нуфузини белгилаб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савиясини оширишга хизмат қилади.

***Суратларда:*** *ўқитувчи Моҳигул Нуриддинова талабалар билан амалий машғулот ўтказяпти; инглиз тили машғулотида.*



**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

«Республика газ тақсимоти ва газ таъминоти идоралари ҳамда ташкилотлари раҳбарлари диққатига!» — рукни остида газетамизнинг шу йил 26 январь сонида чоп этилган

# «ҚИШНИНГ СОВУҚ КУНЛАРИДА»

САРЛАВҲАЛИ ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАДА КЎТАРИЛГАН МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

***ЖАВОБЛАР, ИЗОҲЛАР ВА МАҚСАД...***

*Ўқиган бўлсангиз, мақолада бу йилги қиш ўтган йиллар қишларига қараганда ҳийла совуқ келгани, бунинг устига, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг кўпчилик шаҳар ва туманларида, қишлоқ ҳамда овулларида газ босими айни қаҳратон палласида кескин пасайиб, унинг тақсимоти ва таъминотида номутаносиблик юз бераётганлиги танқид қилинган эди.*

*Шунингдек, мақолада, фақат муаллифнигина эмас, жойлардаги ЎзХДП туман кенгашлари раҳбарларининг ҳам мазкур масаладаги фикрлари баён этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида мавжуд бўлган расмий маълумот:* ***«Қорақалпоқ кўмир» базасида бу йилги кузги-қишки мавсум учун ҳудуддаги бюджет корхоналарига 4,5 минг тонна кўмир, 2,5 минг тонна суюлтирилган ёнилғи тайёрлангани, газ етиб бормаган ва газ босими паст аҳоли пунктларига 2,6 минг тонна кўмир етказиб берилгани...»*** *совуқ кунлардаги вазиятдан чиқиб кетиш учун етарли чора эмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилганди.*

*Ва ниҳоят, мақола сўнгида ушбу муаммолар ечимини, аниқроғи, қиш айни қиличини яланғочлаган кезларда аҳоли манзилгоҳларидаги газ қувурларида газ босими нега пасайиб кетганлигини* ***асосли, ишонарли*** *тарзда тушунтириб бериш — «Қорақалпоқгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси ҳамда «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси раҳбарлари (Х.Оймонов, З.Ботиров)дан сўралганди.*

*Бироқ, таҳририятимизга келган дастлабки жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, газета танқиди тегишли муассасалар раҳбарлари нафсониятларига оғирроқ ботибди, шекилли...*

«...Маълумки, бу йилги қиш ўтган йилларга қараганда, анча совуқ келиб, январнинг сўнгги кунларида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида термометр 30-35 даражадан тушмади, — *деб жавоб йўллайди* ***«Урганч газ узатиш» шўъба корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи, «Урганчтрансгаз» ШК иқтисодиёт бўйича бош мутахассиси Б.Авезов.*** — Лекин шундай мураккаб шароит бўлишига қарамасдан, халқ ўзининг **сабр-бардошини, чидамлилиги**ни (!) кўрсатди. Бироқ, аҳоли ҳақиқатни билишга ҳақли. Айтмоқчи бўлган гапни, шароитни тўла англаб етмай, ҳодисанинг сабабини аниқламасдан газетага нотўғри ахборот бериб, «айбсиз айбдор»ни излаш ва унга қарши халқ ишончсизлигини уйғотиш ўзбекона маънавият ва маданиятга ярашмаса керак.

1

Бу мулоҳазаларни айтишга, «Ўзбекистон овози» газетасининг мухбири Рейимбой Ешимбетовнинг 2006 йил 26 январь сонида чоп этилган «Қишнинг совуқ кунларида» сарлавҳали мақоласи баҳона (?) бўлди.

Мақолани ўқирканмиз, ундаги айрим, ҳақиқатдан йироқ, мантиққа зид, далиллари асосланмаган, ҳатто нотўғри, кишини чалғитувчи жумлаларга дуч келамиз. Мухбир «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятига қарашли «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси раҳбариятини аҳолини табиий газ билан таъминлаш масалаларини ечишда ёрдам бермай, ўзларини четга олганликда айблайди.

Чиндан ҳам шундаймикан?

Муаллиф, аввало, соҳани яхши билганлигига ишонса, ёзаётган материалининг тўғри эканлигига шубҳа қилмасагина, бундай айбловни қўйишга маънавий ҳақли бўлади. Олдида турган муаммоларни яхши англамасдан ва шу масалаларни ҳал қилишда бевосита иштирок этадиган корхоналарнинг масъулияти ва вазифаларини аниқ билмасдан аҳолини газ билан таъминлашдек кенг қамровли масалани кўтариб чиқишга ҳақлими?

«Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятига қарашли «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси газ узатиш бўйича Ўзбекистон Республикасидаги энг йирик корхоналардан саналади.

2

Корхонамизнинг асосий вазифаси Ўрта Осиё — Марказ, Бухоро — Урал, Хива — Бейнау газ узатиш бош қувурлари орқали давлатлараро битимга асосан ҳамдўстлик мамлакатларига (бир $см^2$ га 55-75 кг босимга эга бўлган) юқори босимли Ўзбекистон ва Туркманистон «зангори олови»ни, шунингдек, улгуржи истеъмолчилар: «Қорақалпоқгаз» ҳамда «Хоразмгаз» ҳудудий газ таъминоти корхоналари, Тахиатош ГРЭСи ва бошқа корхоналарни эса газ тақсимлаш станция (ГТС)лари орқали юқори босимли газни бир $см^2$ га 12 кг. босимгача пасайтириб ўтказиб беришдан иборат.

1992-2005 йилларда қурилган 50 дона газ тақсимловчи станциялардан корхонамиз томонидан, газ таъминотини яхшилаш мақсадида 29 таси, яъни 58 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида қурилган. Бошқалари эса мунтазам таъмирланиб, янгиланиб бир маромда фойдаланилмоқда.

Наҳотки, мақола муаллифи ҳурматли Рейимбой Ешимбетовнинг бир томондан 2004 йилда фойдаланишга топширилган Қоратовдаги газ қувурлари тармоғи ва газ тақсимловчи станциянинг паст босимда газ ўтказувчи тармоқ йўқлиги сабабли ишлатилмасдан турганлигини, шунингдек, аҳоли илтимосига кўра 2005 йилда Қораўзак туманида, яъни 2 км. узунликдаги ўрта босимли газ шохобчаси қуриб берганлигимиздан ва Амударё тумани аҳолисини узлуксиз табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида дарё остидан мустаҳкам, хавфсиз саналган туннелдан газ қувури ўтказилиб ишга туширганлигимиздан хабарлари бўлмаса?

...Шунингдек, корхонамиз ташаббуси билан жорий йилнинг саноқли 20 кунида тезкорлик билан Россия Федерацияси ва Германия мутахассисларини жалб қилган ҳолда Амударё туманига дарё устидан горизонтал услубда газ қувурлари ўтказилганлигини ҳам эътиборга олиш керак эдику?

Республиканинг Амударё тумани аҳолисини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Туркманистон ҳудудидан айланма йўл билан қўшимча газ қувурлари шохобчаси қурилди. Буларнинг бари аҳолини табиий газ билан таъминлаш учун қилинган саъй-ҳаракатлар-ку?

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси ва унинг раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган бундай ишларнинг барисидан Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний, Чимбой, Амударё, Шуманай, Қонликўл, Қўнғирот ва бошқа туманлар аҳолиси яхши хабардор.

Келинг, энди Қорақалпоғистон Республикасининг, газетада ёзилганидек, аҳоли яшайдиган айрим манзилларида табиий газ таъминотидаги камчиликларнинг сабабларини излайлик.

Бунинг учун ҳар бир газ тақсимловчи станция (ГТС)га масъуллик чегараси «Урганчтрансгаз» ШК ва ҳудудий газ таъминоти корхонаси ўртасида тақсимланиб қўйилганлигини билиш, яъни биргаликда келишиб тузилган шартнома асосида, кўрсатилган маълум ҳажмдаги газни ГТС жўмраги орқали узатиш вазифаси «Урганчтрансгаз»нинг зиммасида эканлигини, аммо ўтказилган «зангори олов»ни назорат қилиб, ундан фойдаланиш хизмати «Қорақалпоқ» ҳудудий газ таъминоти корхонасининг, яъни амалда ўрта ва паст босимдаги газ ўтказувчи қувурлар эгасининг зиммасида эканлигини билиб олиш лозим.

3

Энди қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратамиз: (мақола чиқиши олдидан), 2006 йилнинг 19-30 январь кунларининг ҳар кеча-кундузида газ тармоқларига ўртача 2005 йилнинг шу даврига нисбатан буюртмадан ошиқча (ҳатто!) 600 минг метр куб кўп газ узатилди.

Шунингдек, кейинги кунлар: 27 январда 333 минг куб, 28 январда 367 минг, 29 январда 333 минг, 30 январда 266 минг метр куб газ истеъмолчиларнинг буюртмасига нисбатан ортиқча юборганмиз. Бу жараён кейинги кунларда ҳам давом этади.

Бундан кўриниб турибдики, аҳолини газ билан таъминлаш ускуна (ГРП)ларнинг ҳолати (созлилиги)га, ёнилғини ҳудуд туманларига тежаб-тергаб, тўғри тақсимлаб етказиб беришнинг йўлга қўйилганига, ёткизилган қувурларнинг яроқлилиги (кабилар)га ҳам боғлиқ. Буларнинг масъулияти эса ҳудудий газ таъминоти корхонаси зиммасидаги иш.

Шуни унутмаслик керакки, улгуржи газ истеъмолчилари аҳолига газ етказиб бериш бўйича контракт-шартномани «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти билан тузади, шу шартнома асосида кўрсатилган миқдорда газни кўпайтириб ёки камайтириб бериш эмас, етказиб бериш — бизнинг, яъни «Урганчтрансгаз» зиммасида.

«Урганчтрансгаз» ГТСда қарийб 3,5 минг ишчи-хизматчи ишлайди. Уларнинг **оила аъзоларини ҳам ҳисобга олсак, корхонадан 54 минг жон манфаатдор.** Улар Бухоро чегарасидан Уст-Юрт кенгликларигача бўлган ҳудудда қишнинг оғир кунлари, ёзнинг жазирамаси демай, одамларнинг уйини иситиш, мамлакатимиз корхона-ташкилотларини газ ёнилғиси билан узлуксиз таъминлаш, газ ўтказиб бериш бўйича давлатлараро тузилган битим шартларини оғишмай, юксак масъулият билан бажариб, мамлакатимиз хазинасини валюта билан бойитиш мақсадида, кеча-кундузнинг ҳар сониясида рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини оладилар ва тасодифан шундай ҳолат рўй бергудек бўлса, уни бартараф этишга тайёр турадилар.

Шундай экан, уларнинг **фидокорона ҳалол меҳнатига доғ туширилмоқчи бўлинса, чопиб бораётган отнинг пешонасига ургандек бўлмайдими?**

4

Шахсий мулоҳазалар

# ИНСОННИ НИМА АСРАЙДИ?

### ҚУРОЛЛАР ДАҲШАТИДАН ҒОЯЛАР КУРАШИГА

Ўтган асрда дунёни қурол ваҳимага солиб турганди. Ракеталар, бомбалар, турли хил ҳарбий техникалар ва ҳоказо... Қайсики давлатда қирғинбарот бомбаси бўлса жаҳонга дўқ уриб қўярди. Дунёни ушлаб тургандай, истаса замин тақдирини остин-устун қилиб юборишини пеш қиларди. Қуроли бор зўравон эди. Бир мамлакат қайсидир давлат ҳудудида ўз атом бомбасини синаб кўриб, юз минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритса, бошқаси унинг тумшуғи тагидаги оролдан сув ости кемаларига юкланган ажал ракеталарини кўрсатиб, дўқпўписа қиларди. Телевизор, радио, газетада жаҳонда қуролланиш пойгаси авж олдирилгани ҳақида гап борарди. Қисқаси, зўравонлик тушунчаси одамзот ақлини жиловлаб олганди.

Муболаға бўлмасин-у, тарозининг бир палласига Ер шарини, иккинчи палласига инсон ўйлаб топган қуролларни қўйсангиз, қурол-яроғ оғирлик қиларди.

Улуғ шоиримиз айтгани каби Ер шарини порох бочкаси устига ўтирғизиб қўйишганди. Бир гугурт чўпи билан сайёрамизнинг кулини кўкка совуриш эҳтимолдан холи эмасди. Агар дунёдаги жамики қурол-яроғлар ишлатилса, она-ер ўз ўқидан чиқиб кетиши мумкин, деган таҳлика ҳам мавжуд эди ўтган асрда.

Бугун, XXI асрда эса бошқачароқ қараш пайдо бўлди — одамият даҳшатли қуроллар билан бир-бирини маҳв этиши ҳалокатли эканлигини англади.

Энди ўзгача йўл топилди: асосан ғоялар кураши, турли хил қарашлар жимжимасида одам болалари бир-бирини маҳв этиш йўлига ўтиб олди. Зимдан, билдирмасдан, турли хил оқимларнинг чиркин ақидалари ниқобида дунёни эгаллашга интилиш, ўзини кўрсатиб қўйиш пайига тушди.

### ЗАҲАР

Одам ҳам қуролга айланиши мумкинми? Мумкин... Бунинг учун унинг онгини заҳарлаш керак, тамом.

Кейинги йилларда турли хил диний оқимлар васвасасига учган ёшлар ўзлари тушуниб етмагани ҳолда бошқаларнинг қўлида қурол бўлиб қолганини сезишмади. Узоққа бориб ўтирмайлик, 2004 йилнинг баҳори ва ёзида Тошкент ҳамда Бухоро вилоятида юз берган террорчилик ҳаракатлари, амалга оширилган портлашлар, 2005 йилнинг май ойида содир этилган Андижон воқеалари иштирокчилари ҳам юртимиз осойишталигига рахна солиб, амалдаги ҳокимиятни ағдариб ташлашга уринган, бу йўлда жон-жаҳди билан ҳаракат қилган ташқи кучларнинг ёвуз мақсадлари қурбони бўлишди.

Муқаддас динимизнинг эзгу ғояларидан бехабар, ожиз кимсалар боши берк кўчага кириб қолганини сезишмади. Йўқса, улар ўз озодлигига эришган, ўз конституциявий тузумига эга бутун бир мамлакатга қарши бормасдилар. Улар кимларнингдир қўлида қурол бўлиб, бугунги дунёнинг «ўйин сиёсати» гирдобига тушиб қолишганини ҳис қилмадилар.

Ташқаридан кимнингдир кўрсатган «марҳамати» эвазига ўз халқининг душманига айланиш учун одам боласининг ақл-заковатини зулмат қоплаши кифоя эканлиги ўша машъум воқеалардан сўнг яна бир бора аён бўлди.

Бугун халқаро террор хавфи ўтган асрдаги «совуқ уруш» ҳамласидан ҳам даҳшатлироқ тус олмоқда. Ўзбекистоннинг тинч ҳаётига хавф солишга уринадиган ташқи кучлар энг хавфли йўл — кишилар онгига экстремистик қарашларни сингдириш, турли хил ёлғон-яшиқдан иборат информацион хуружни авж олдириш орқали нафақат юртимиз, балки минтақада парокандалик содир қилишга уринмоқдалар. Бу ёвуз кучлар кўзлаган мақсад-муддаонинг таг-замирига етмаслик эса ғофилликдан бошқа нарса эмас.

Биз энди англашимиз, ҳис қилишимиз керак. Ҳар хил қутқулар, чақириқларнинг оҳанрабо чорловига берилмаслик, бир-биримиз билан жипслашиб, шу Ватандан бошқа Ватан йўқлигини, унинг келажаги билан тақдир-аъмолимиз боғлиқ эканлигини фаҳмлашимиз керак.

Худо кўрсатмасин, юртимиз тинчлиги бузилса, халқимиз осойишталигига дарз кетса, ҳаловатимиздан айрилсак, бизга бу дунёнинг лаззати татимайди, ҳаётимиз издан чиқиб кетади. Кўпорувчилик, нотинчлик ёмон. Ҳеч бўлмаганда шу нарсани тушуниб етайлик. Ахир шу замин, шу юрт бизники-ку!

Юртнинг тинчлиги учун қайғуриш ўз ҳаётимиз, оиламиз учун ҳам қайғуриш дегани эмасми?!

### ВАТАНИ ЙЎҚ ОДАМ...

Ватани йўқ одам ҳам бўлиши мумкинми? Билмадим... Масалан, Ўзбекистонда яшаб туриб, тузини еб, бағрида улғайиб, уни ўз юраги, кўз қорачиғидай ардоқли деб билмаслик одам боласи учун энг аянчли ҳолат, албатта. Худонинг уриб қўйгани шу бўлса керак. Чунки, ватанини севмаган кимсани нима деб аташни ҳам билмайсан. Ҳайвон ҳам ўз инини, яшаб турган жойини ҳимоя қилади. Қуш ҳам ўз уясини қўриқлайди-ку!

Оиласи, ота-онаси, қавми-қариндоши яшаб турган муқаддас юрт бошига иш тушса, бутун борлиғида оғриқ турмаган инсон инсонми.

Биз ҳозирги кунда ўз фарзандларимиз қалбига юрт туйғуси, Ватан шаъни, ор-номуси, миллат қадри деган тушунчаларни сингдиришимиз керак. Бунинг учун ўзлигимиз, маънавиятимиз сарчашмаларидан улуғ сабоқ йўқ.

Бизга ҳеч ким четдан келиб ҳеч нарса қилиб бермайди. Нимагаки эришсак, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз. Истиқлолдан кейинги бунёдкорлик ишларида халқимизнинг бетимсол жасорати, матонати уфуриб турибди. Биз буюк давлат қуришни мақсад қилдик, йўлимиз аниқ, манзилимиз тайин. «Фақат тинчлик ва хотиржамлик бўлса, бас. Бошқа ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтамиз», дейди оқсоқолларимиз. Ва улар ҳақ албатта.

Ёшларда, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросида «шу Ватан меники, бу менинг уйим, менинг тақдирим» деган эзгу ғояларни сингдириш эвазига ҳар қандай тўфонлар, ҳар қандай ёвузликлар, қутқу ва ҳамлаларга қарши турамиз.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Шу пайтгача содир этилган барча кўпорувчиликлар, хуружлар ҳар қайсимизнинг хонадонимиз, бешикдаги боламиз, керак бўлса ота-боболаримиз қабрига нисбатан қилинган босқинчилик деб баҳоланади. Андижонда ёки Тошкентда террорчилик ҳаракати юз берди деб эмас, балки бу фожиа менинг уйимда ҳам содир бўлди, деб тушунишимиз керак. Ўзбекистон битта. У бизнинг уйимиз. Сиғинар жойимиз. Саждагоҳимиз.

### ГУЛЛАЁТГАН ОЛМА ДАРАХТИ

Ҳамма ғоялар ичида энг юксаги Ватан ғояси, миллат ғоясидир. Инсониятнинг барча эзгу ишлари ичида энг гўзали бу — ўз тинчлиги учун курашмоғидир.

Бугун дунё тараққиёт чўққисига чиқди. Цивилизация тантана қилаяпти. Шу цивилизацияда ўзбек ёшларининг ҳам ҳиссаси бор. Шундай бўлиши керак.

Ўзбекона қараш ва ғоялар, ўзлик томиридан куч олиб дунёвийлик сари юз буриш ҳар биримизнинг қиёфамизни белгилайди.

Лекин олма дарахтининг шохларига турли хил тақинчоқлар, безаклар, дуру жавоҳирлар тақиш билан унинг барқ уриб, шовуллаб, тириклик тимсоли бўлиб қолишига эришиб бўлмаслигини англашимиз керак.

Миллийликка нисбатан «цивилизация»нинг ҳамлалари ҳам гуллаган олма новдасига темир-терсак осиб ташлаган билан баробардир. Инсон тафаккуридаги ватанпарварлик тушунчаси энг аввало шу заминга бўлган меҳр-муҳаббат туфайли шаклланади, юксалади. Шундай бўлсагина бизни ҳеч бир куч енголмайди.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

XORIJDA

✓ УКРАИНА



Энг оғир вазндаги профессионаллар орасида бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Виталий Кличко «Вақти келди — ислоҳотлар ва тартиб партияси» томонидан Киев шаҳри мэрилигига номзоди кўрсатилди. Мэрни сайлаш 26 март куни бўлиб ўтади.

Собиқ боксчи яқиндагина сиёсат оламига кириб келди. У «Вақти келди — ислоҳотлар ва тартиб партияси» етакчисидир. Агар Кличко шаҳарни бошқариш шарафига эга бўлса, тартиб ўрнатиш ва коррупцияни таг-туги билан суғириб ташлашни ваъда қилмоқда.

Шарҳ

# ҚИЗИЛ ДЕНГИЗДАГИ ФОЖИА

Қизил денгизда транспорт ҳалокати рўй берди. Саудия Арабистонининг Дуба портидан Миср томон сузиб кетаётган «Салом — 98» пароми манзилга етиб боролмай, сувга ғарқ бўлди. «Рейтер» ахборот агентлиги хабарига қараганда, мазкур кема бортидаги 1414 йўловчи ва экипаж аъзоларидан 195 нафари ҳалок бўлган, яна 800 дан зиёд одам бедарак йўқолган.

Ҳозир денгизда қутқарув ишлари давом этаётир. Қурбонлар сони янада кўпроқ бўлиши мумкин. Олиб борилган текширув натижаларига кўра, фалокатга паромга белгиланганидан кўра кўпроқ юк ортилгани ва бортда электр тармоғидаги қисқа туташувдан юзага келган ёнғин сабаб бўлган. Экипаж аъзоларининг алангани бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларига қарамай, у кучайиб, кеманинг бошқа қисмларига ҳам тарқала бошлаган.

Ёнғинни ўчиришда экипаж денгиздан насослар ёрдамида олинган сувдан фойдаланган. Натижада борт ичкарисига катта миқдорда сув тўпланиб, керагидан ортиқ юк олган кема бир томонга оғиб, тўнтарилиб кетган.

Кемада қутқарув қайиқларининг йўловчилар учун етарлича бўлмагани туфайли қурбонлар сони кўпайган. Устига-устак, «Салом — 98» тегишли бўлган Мисрнинг «Ас-Салом лин-Нақл ал-Баҳрий» транспорт компанияси хавфсизлик талабларига зид равишда унинг бортида қўшимча палубалар қургани аниқланди.

Шунингдек, тирик қолган йўловчиларнинг сўзларига қараганда, экипаж фавқулодда вазиятда масъулиятсизлик қилган. Кема капитани қоидани бузиб, бортни аввалроқ тарк этган. Шунингдек, денгизчилар ёнғинни ўчиришга халал бермаслиги учун аёллар ва болаларни каюталарга (хоналарга) қамаб, сўнг уларни чиқариб юборишни унутган.

Паром чўкаётганда, экипаж радиостанция орқали ҳалокатга учраганлик тўғрисидаги сигнални тарқатган. Уни қабул қилган ва воқеа жойига яқинроқ масофада бўлган кемалардан бири эса ёрдамга бориш ўрнига хабарни бошқасига узатиб, ўз йўлидан давом этаверган.

Мутахассисларнинг фикрича, «Салом — 98» капитани ёнғин кучайиши билан кемани орқага қайтариши шарт эди. Бироқ, у аксинча йўл тутиб, Миср томон сузишда давом этган.

Паромдаги йўловчиларнинг асосий қисмини Саудия Арабистонида ишловчи мисрлик фуқаролар ташкил этган. Шунингдек, унда бошқа мамлакатлар фуқаролари ҳам бўлган. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, айни вақтга қадар 387 киши қутқариб олинган. Қидирув ишларида ҳарбий-денгиз кучлари ва авиация ҳам иштирок этаётир.

Ҳалок бўлган Миср фуқароларининг қариндошлари норозилик билдириб, «Ас-Салом лин-Нақл ал-Баҳрий» компанияси идорасига хужум уюштирди. Полиция уларни тарқатиб юбориш учун кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланишга мажбур бўлди.

«Ас-Салом лин-Нақл ал-Баҳрий» раҳбари Маҳмуд Исмоил қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига 150 минг Миср фунти (26 минг АҚШ доллари) миқдорида моддий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди. Бу мамлакат қонунчилигида белгиланган энг катта товон пулидир.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

✓ ЭРОН



БМТ инспекторлари Эрон ядро объектларини текшириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Мамлакат президенти Маҳмуд Аҳмадинажот айнан шундай йўриқнома берди. Унинг сўзларига кўра, бу БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эрон ядро дастури борасида қабул қилган резолюциясига жавоб бўлган.

Шанба куни МАГАТЭга аъзо 35 давлатдан 27таси резолюция учун овоз берган. Мутахассислар фикрича, бунинг оқибатида БМТ томонидан Теҳронга қарши санкция жорий этилиши мумкин.

Эрон ҳукуматининг юқори мартабали вакили Жавад Ваейдининг хабар беришича, унинг мамлакати БМТ инспекторларини киритмаслик билан биргаликда уранни бойитиш ишларини тиклашга қарор қилган. Ваейди Эрон энергетикаси учун уранни Россия корхоналарида бойитиш таклифи ҳам даргумонлигича қолганини, бу масала 16 февраль куни Москвада бўлиб ўтадиган учрашувда муҳокама қилинишини билдирди.

Қабул қилинган резолюция Эронни МАГАТЭ билан «анчадан бери йўлга қўйилиши зарур бўлган» ҳамкорликка чақириб, Эроннинг «ядровий фаолиятига доир масалалар ҳарбий характер касб этиши ёки этмаслигига ойдинлик киритиш»ни кўзда тутади. МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад Барадей Эроннинг ядро дастури бўйича янги ҳисоботни тақдим этмагунча, яъни 6 февралгача резолюция ҳеч қандай ҳаракатларни кўзда тутмайди. Ҳужжатга қарши Венесуэла, Куба ва Сурия овоз берди.

Дипломатларнинг сўзларига кўра, Миср Яқин Шарқни ядродан холи ҳудуд, деб эълон қилишни таклиф этган. Бироқ Исроил ядро арсенали тақдиридан хавотирга тушган АҚШ бунга қарши чиқди. Аммо таклифни бир қатор Европа давлатлари қўллаб-қувватлагач, Вашингтон ҳам хайрихоҳлар томонига ўтди.

✓ ИСРОИЛ



Исроил Вазирлар Маҳкамаси Фаластин мухториятига божхона ва солиқ тўловлари учун тўланиши керак бўлган 55 миллион доллар ҳажмидаги пулни ўтказиб беришга қарор қилди.

ХАМАС радикал гуруҳи Фаластин парламентига ўтказилган сайловда ғолиб чиққандан кейин бу тўловлар тўхтатилган эди.

ХАМАС гуруҳи Европа Иттифоқи ва АҚШда террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган. Исроил вазирларидан бири Зеев Бойм хабар беришича, пулни тўлаш ҳақидаги қарор ХАМАС расман мамлакат парламентининг бир қисмига айланиб улгурмагани учун ҳам қабул қилинган. Фаластин мухторияти ҳукумати таркиби аниқ бўлгачгина тўловлар тўхтатилиши мумкин. Чунки ҳукуматни шакллантириш ХАМАСга юклатилади.

Исроил томонидан тўланадиган пуллар давлат хизматчиларига ойлик сифатида берилади.

✓ ЯМАН

Яман қамоқхоналаридан бирида сақланаётган 23 нафар хавфли жиноятчининг қочиши туфайли Интерпол глобал хавфсизликка таҳдид пайдо бўлгани ҳақида огоҳлантирди.

Камида 13 нафар қочоқнинг «Ал-Қоида» террорчи ташкилоти билан алоқаси бор экан. Уларнинг орасида 2000 йилда Америкага тегишли «Коул» ҳарбий кемасига ҳужум уюштирган ва Франция мулки бўлган «Лимбург» танкерини портлатишда айбланаётган шахслар ҳам бор.

Интерпол берган баёнотда қочоқ жиноятчилар «барча давлатлар учун тўғридан-тўғри таҳдид қилиши мумкинлиги» айтилган.

Сана шаҳридаги қамоқхонада сақланаётган жиноятчилар 140 метр узунликдаги ерости йўлини қазиб, у орқали унча узоқ бўлмаган масжидгача етиб олган ва жума намозидан чиқаётган жамоат билан қўшилиб кетган.

**2006 йил 14 март соат 14.00 да Зангиота тумани «Илм Шуъласи» МЧЖнинг 2005 йил якунлари бўйича мажлиси ўтказилади.**

**Кун тартибидаги масалалар:**

*1. Жамиятнинг 2005 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ва 2006 йилдаги вазифалари.*

*2. 2005 йилдаги даромад ва сарф-харажатлар ҳақида ҳисобот ҳамда 2006 йил учун сарф-харажатлар лойиҳасини тасдиқлаш.*

*3. Йиллик бухгалтерия ҳисоботини тасдиқлаш, 2005 йилнинг даромадлари, дивидендларининг миқдори ва натижалари бўйича уларни тўлаш тартиби.*

*4. Жамиятнинг 2005 йилдаги молиявий фаолияти тўғрисидаги аудитор текшируви ва хулосаларини тасдиқлаш.*

*5. Ташкилий масала.*

***Манзил: Зангиота тумани «Илм Шуъласи» МЧЖ маъмурий биноси***

Мана, энди, газ таъминоти юзасидан олдинлари унча эътибор берилмаган кўпгина «номаълум бўлган вазиятлар, фикрлар ва қарашлар ойдинлашди», чамамизда.

Савол туғилади: кўп йиллар журналистика нонини еган, тажрибали саналган қалам соҳиби Р.Ешимбетовни соҳани билмай-тушунмай ёзибди, демоқ бўлсангиз-ишонмайсиз.., атайин, қандайдир мақсадлар билан ёзибди, дейишга тилинг бормайди. Яхшиси, унга тўғри баҳо беришни **«Ўзбекистон овози»** газетаси таҳририятининг ўзига ҳавола қилсак...»

●●●

*... Жаноб Авезов газетада эълон қилинган танқидий мақола ҳажмидан икки баравар кўпроқ (салкам 6 қоғоз) ҳажмда битган ушбу жавобига дастак қилиб, шўъба корхонаси раҳбари номига ёзилган (Қачон? Санаси кўрсатилмаган!) бир миннатдорчилик хатни ҳам илова қилади:*

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси
директори З.А.БОТИРОВга

Биз, Қўнғирот тумани ветеранлари «Олтинкўл» шаҳарчаси ёнида қурилаётган АГРЕС станциясининг 2005 йилнинг 29 ноябри куни ишга туширилишидан мамнун эканлигимизни билдирмоқчимиз. Ҳозирги қишнинг совуқ кунлари станциянинг ишлаши билан «Олтинкўл» шаҳарчаси, «Қипчоқ», «Ажиниёз» номидаги ва «Қўнғирот» овулларининг аҳолиси газ босимининг кўтарилиши туфайли газдан қийналаётган барча муаммолар тўлалигича ечилди.

Ушбу масалани тез ҳал этишда яқиндан ёрдам кўрсатган республика «Маҳалла» жамғармасига, республика Хотин-қизлар қўмитасига, «Ўзтрансгаз» компаниясига, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасига, уларнинг раҳбарларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳурмат билан:

*«Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси С.МУСАЕВ,*
*«Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Ҳ.МАДЕНОВ,*
*Туман хотин-қизлар қўмитаси раисаси Г.ИЕМБЕРГЕНОВА,*
*«Олтинкўл» шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси С.АЛЛАНОВ,*
*«Қўнғирот» овул фуқаролар йиғини раиси Т.РЕЙМБАЕВ,*
*Ажинияз номли овул фуқаролар йиғини раиси Б.АБДИМУРАТОВ,*
*«Қипчоқ» овул фуқаролар йиғини раиси О.ҚАДИРБАЕВ».*

●●●

***БИЗНИНГ ИЗОҲ:*** *Аввало шуни таъкидламоқчимизки, бу соҳада давлат томонидан амалга оширилаётган улкан ишларни ҳеч ким инкор этмоқчи эмас.*

*Хусусан, «Урганчтрансгаз» ШК жамоаси олиб бораётган ишлар ва қилинаётган саъй-ҳаракатларни ҳам. Аммо, бу йил Қорақалпоғистонда қиш ўта совуқ келгани, газ босими пасайиб кетгани, одамлар азият чекаётгани ҳақида тўхталиб,*

5

*тегишли идоралар раҳбарлари мавжуд аҳвол унинг сабабларини одамларга тушинтиришар деб умид қилгандик. Афсуски...*

*Мухбир қишнинг оғир кунлари-ю, ёзнинг қайноқ кезларида Бухоро чегарасидан тортиб, Уст Юрт кенгликларигача «Урганчтрансгаз» ГТСида меҳнат қилаётган хизматчилар* ***(«Оилалари аъзолари билан манфаатдор бўлган 54 минг жон»)****нинг* ***«фидокорона ҳалол меҳнатига доғ»*** *туширмоқчи ёки* ***«чопиб бораётган отнинг пешонасига»*** *уриб,* ***«қандайдир мақсадлар билан»*** *улар ишига* ***«баҳо бермоқчи»*** *ҳам бўлгани йўқ.*

*Журналист бор-йўғи 3 қоғозли танқидий мақоласида (аслида уни луқма десак ҳам бўларди!) қурилган, таъмирланган «фалон» ГТСлар ва ётқизилган «пистон» қувурларда қишнинг совуқ кунлари газ босими нега пасайиб, хонадонларда ҳарорат нечун кескин тушиб кетганлигига, пировардида, бунга кўпчилик жавоб кутаётганлигига* ***асосли бир тушунтириш сўраганди,*** *холос.*

●●●

*Энди айнан шу мақолага* ***«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси Бош директори И.ВАГАПОВ****нинг ҳам муносабатига эътибор қилинг:*

«...Мақола муаллифининг истеъмолчиларга газ транспорти ва уни етказиб беришга доир жараёнлардан хабардор эмаслигидан ажабландик. Бундай ҳоллар яна такрорланмаслиги учун республикада истеъмолчиларга газ транспорти ва уни етказиб беришга оид меъёрий тартибларни атрофлича тушунтиришга мажбурмиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (02.10.03.даги 421-рақамли) Қарори билан улгуржи истеъмолчилар ва аҳолига табиий газ тарқатиш («Ўзтрансгаз» АКнинг магистрал тармоқларига тўғридан-тўғри чиқувчи истеъмолчилардан ташқари) «Ўзкоммунгаз» агентлигининг ҳудудий газ тақсимлаш корхоналари — ҲГТК орқали амалга оширилади.

Ҳукуматнинг ана шу қарорига мувофиқ, «Ўзтрансгаз» АК «Қорақалпоқгаз» ҲГТК билан табиий газ узатиш ва қабул қилиш бўйича шартнома тузади. Шартномага кўра, «Ўзтрансгаз» узатган газни «Қорақалпоқгаз» ҲГТК улгуржи истеъмолчилар ва аҳолига етказиб беради. Яъниким, «Ўзтрансгаз» АК аҳоли билан бевосита газ таъминоти фаолиятига оид шартнома тузмаганлиги учун мазкур масала билан шуғулланмайди. Уни «Ўзкоммунхизмат» агентлиги берган буюртмага кўра «Қорақалпоқгаз» ҲГТК амалга оширади. Демак, ўртача ва паст босимли газ тармоқларидан фойдаланиш ҳамда истеъмолчиларни, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини табиий газ билан таъминлаш мутлоқ «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Қорақалпоқгаз» ҲГТК ваколатига киради.

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг шу йил 5 январдаги 012-1/77 рақамли хатига мувофиқ, «Қорақалпоқгаз» ҲГТК

6

учун шу йил январь ойига 257,3 млн. кубметр ёки бир кеча-кундузга 8,3 млн. кубметр газ етказиб бериш кераклиги белгиланган эди. Амалда эса «Ўзтрансгаз» АК «Қорақалпоқ» ҲГТК тармоқларига 272,6 млн. кубметр газ узатди. Бу — белгиланган ҳажмдан 15,3 млн. кубметр кўп бўлиб, режа 105,9 фоиз бажарилди, деганидир...

Шунингдек, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, «Қорақалпоқгаз» ҲГТКнинг олган табиий гази учун 10348,2 млн. сўм дебиторлик қарзи мавжудлигини, шу жумладан, бунинг 9254,8 млн. сўми муддати ўтган қарз эканлигини ҳам маълум қиламиз. Масалан, шу йилнинг январь ойидаёқ узатилган газ 1272,9 млн. сўмлик бўлган бўлса, тўлови — жами 48 фоиз — 527,7 млн. сўмни ташкил этди, холос. Умуман, дебиторлик қарзлари ҳозир (1 февраль ҳолатига кўра) 11093,5 млн. сўмга етди.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини газ билан барқарор таъминлаш ва тушаётган шикоятларга барҳам бериш мақсадида «Ўзтрансгаз» АК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда «Қорақалпоқгаз» ҲГТКга табиий газдан бесамар фойдаланаётган объектлар (кўлбола ва ностандарт газ иситиш қурилмалари)ни тармоқдан 100 фоиз узиб қўйиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган объектларни захирадаги ёнилғи турларига ўтказиш кераклиги тўғрисида бир неча бор (27 декабрь 2005 йилда 02-05/6818 ва 19 январь 2006 йилда 02-05/417 рақамли хатлар билан) мурожаат қилди. Зеро, бу каби тадбирни ўтказмасдан туриб, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчиларни газ билан барқарор таъминлашга эришиб бўлмаслигидан ҳудуд ва газ тақсимоти корхоналари раҳбариятларини бохабар этдик. Масалан, 2005 йилнинг март ойида ўтказилиши керак бўлган шундай тадбир тўла ҳажмда бажарилмай қолди.

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси сўнгги икки йилда Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчиларининг газ таъминотини яхшилаш борасида муайян даражадаги ишлар ҳажмини амалга оширганлигини инобатга олган ҳолда, бундай мақоланинг чоп этилиши одобдан эмас».

●●●

*Ана холос!*

*Нима бўлгандаям, «мақоланинг чоп этилиши одобдан эмас» деяётган Вагаповдек раҳбар ҳам мақола мақсадини тўғри тушунмабди... Яхшиси, аввал, мақоладан айнан олинган мана бу сатрларга эътибор беринг:* ***«Қорақалпоғистон Республикасининг кўпчилик шаҳар ва туманларида, қишлоқ ҳамда овулларида газ босими кескин камайиб кетди. Кучли қора совуқдан айрим хонадонларда иситиш тизимлари, печлар ишдан чиқди.., айниқса Амударё, Тахтакўпир, Қораўзак, Нукус, Хўжайли, Чимбой, Элликқалъа, Кегайли, Беруний каби қатор шаҳарлар ва туманлар аҳолиси анча-мунча қийинчилик сезаётганликлари***

7

***бор гап.., Қандай тадбирий чоралар кўрилаяпти?.. Кўпчилик жавоб кутмоқда».***

*Бор гап шу. Мақолада газ таъминоти идораларидан қилинган ишлару, қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳисоботи ёки истеъмолчиларга газ узатиш механизмининг тартиби ҳақидаги тафсилот эмас, такрор айтамиз, айни қишнинг аёзли кунлари нега газ босими кескин камайиб, аҳоли хонадонлари совуб кетганлиги сабабларини содда ва лўнда қилиб тушунтириб бериш сўралганди... Таҳририят учун эмас, қорақалпоқ халқи учун.*

*Ўйлаб кўринг, ўша совуқ кунлари Авезов билан Вагаповнинг бу «ҳисобот»лари совиб кетган хонадонлар аъзоларига ўқиб берилганда, уларнинг уйлари исиб қолармиди? Улар (нафақат мухбир!) ҳисобот эмас, газ қувурларида босим нега пасайиб кетгани-ю, қандай чора-тадбирлар кўрилаётганини сўраганмасмиди?!*

*Қолаверса, ўтган йилнинг декабрь ойи охирларида мамлакатимиз Қонунчилик палатасида бўлган мажлислардан бирида, яъни Ўзбекистон ХДП фракцияси аҳолини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашнинг бугунги аҳволи тўғрисида республика Вазирлар Маҳкамаси ахборотини тинглаган куни Вагапов ҳам фаол иштирок этиб, депутатларнинг ҳақли саволларига одилона жавоб беришга, танқидларни тўғри қабул қилишга ҳаракат қилганди.*

*Бу гал эса...*

*Юқоридаги икки идорадан келган жавоблар халқимизнинг «Мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди» қабилидаги мақолини эслатади.*

*Яна қайтаришга тўғри келади. Мақоламизда бу йил Қорақалпоғистонда ҳаво анча совуқ келгани, газ босими пасайиб кетиб, одамлар азият чекаётгани ва бунинг сабаблари, аҳволни ўнглаш учун кўрилаётган чоралар сўралганди. Жавобни қорақалпоғистонлик минглаб фуқаролар кутаётганди. Бизнингча аҳолига бор ҳақиқатни тушунтириш керак эди. Қайсидир жиҳатдан «Қорақалпоқ» ҳудудий газ таъминоти айбдордир, яна бир сабаби аҳолининг қарздорлиги билан боғлиқдир. Узун-қулоқ гапларга қараганда ўша кунлари қаердадир қувур ёрилган экан. Нима бўлганда ҳам одамларга тушунтириш керак эди.*

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиёт бўлими мудири**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Мақола юзасидан республика «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг аҳоли ва корхоналар таъминоти Бош Бошқармасидан ҳам жавоб кутгандек. Бироқ, Бошқарма ҳозирча жим...**

**Балки, кечикиброқ бўлса-да, ҳақ гапни айтиб, масалага ойдинлик киритар деган умиддамиз.**

8

## Ҳазрат Алишер НАВОИЙ таваллудининг 565 йиллиги



# НАВОИЙ МАЪНАВИЯТИ — КОМИЛ ИНСОН МАЪНАВИЯТИ

Ҳар қандай даҳо ижодкор каби Алишер Навоий адабий мероси ҳам ҳар бир замон учун азиз ва мукаррамдир. Навоий ижоди — туганмас хазина, унинг ғоялари ҳамиша барҳаёт бўлиб тураверади. Шоирнинг қайноқ муҳаббати билан туғилган ашъори, жозибали сўзи ҳамон қалбимизни нурга ғарқ этиб, олам-олам завқ бағишлайди, фикр ва шууримизни бойитиб, юксак инсоний хислатлардан сабоқ беради. Бунинг боиси шуки, ҳазрат Навоий ўзигача бўлган Шарқ донишмандлиги ва ҳикматини, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф ҳақиқатларини ажабтовур бир ижодий қудрат билан омухта этиб, уни ўзининг санъаткорона истеъдоди, бемисл бадиий тафаккури билан бойитди. Натижада унинг асарларида ифодаланган ғоялар умумбашарий, умумжаҳоний хислат касб этди. Шоир ана шу чўққидан туриб, ҳаёт муаммолари, инсон тақдири, хилқати устида мушоҳада юритади, инсонни унинг ўзига танитиш, инсондаги иллатлар, нуқсонлар сабабини очиб, тақво ва покланиш орқали бу нуқсонлардан халос бўлиш, маънавий камолотга эришиш йўлини кўрсатади.

Навоийнинг асарларида акс этган қалб изтироби, қайғулари шунга қаратилган. Юртбошимиз айтганидай: **«Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак — мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир».** Шунинг учун Навоий ғоялари замон ва макон чегарасини билмай, ҳар доим долзарб ва ҳаётий бўлиб қолмоқда. Вақтлар ўтиши билан унинг асарлари янги куч, янги жозиба билан авлодларни ўзига тортади.

Айниқса, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин Навоий бизга янада азиз ва яқин бўлиб қолди. Зеро, Навоийнинг ўзи миллий истиқлол, миллий бирлик ва миллий ғурур, ўз-ўзини англаш тимсолидир. Улуғ шоир бутун ҳаёти давомида шу учун курашди, умрини шунга бағишлади. Ўлмас асарлари билан туркий тил қудратини жаҳонга кўз-кўз қилди, ўзбек адабиётини, бутун жанрларда ижод қилиб, жаҳон адабиёти мақомига олиб чиқди. Бу — буюк жасорат, миллат олдидаги тенгсиз хизмат эди.

Шўролар даврида Навоий асарлари гарчи ўрганилган бўлса-да, аммо кўпроқ уларни ўша давр мафкурасига мослаштириб талқин қилиш бор эди. Биз учун Навоий бор бўйи билан қадрдон ва зарур, биз — энди Навоийни «керакли» ва «кераксиз» қисмларга ажратмаймиз. Эндиликда биз унинг меросхўрлари шўролар мафкураси оқибатида йўқотган қадриятларимиз, лат еган, кемтик бўлиб қолган маънавиятимизни қайта таклашда Навоий каби улуғ зотлар ижодидан мадад ва куч оламиз, уни тўлиқ ҳолда, холисона ўрганиб баҳраманд бўламиз. Бунга тўла имкониятлар мавжуд.

Миллий-маънавий тикланиш сиёсатимизнинг устувор йўналиши қилиб белгиланган экан, бунда биринчи навбатда Навоийни ўзлаштириш, Навоий маънавий хазинасини янгидан кашф этиб, ҳаётимизга олиб кириш асосий вазифа бўлиши лозим. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис минбаридан туриб, «Навоийни чуқурроқ ўрганайлик, унинг асарларини ёшларга етказайлик», деган эдилар. Бу — Навоийни ўрганиш, Навоий ғояларини ўзлаштириш улкан ижтимоий вазифа, умуммиллий бурч эканлигини таъкидлашдир.

Аминманки, инсоният XXI асрда ҳам Навоий сингари улуғ мутафаккир ижодкорларга янада кўпроқ муҳтож бўлади. Чунки ҳозир инсоннинг ақлий кашфиёти беҳисоб ва ҳайратланарли. Аммо у маънавий камолот жиҳатидан жуда ҳам олдинга борган эмас, аксинча Навоий маънавияти чўққисидан қарайдиган бўлсак, анчагина, орқага қараб кетганимиз маълум бўлади. Демократия ниқоби остида вайронкор ғояларнинг тарқатилаётгани, ахлоқнинг емирилиб бораётгани, нафс кетидан қувиб ўзгаларни топташ, фаҳш, номуссизлик, беҳаёликнинг авж олиши, инсон зотини тубанлаштирувчи бузғунчиликларнинг кенг тарғиб қилинаётгани бунинг мисолидир. Шу учун ҳам Навоийга қайтиш, Навоий оламини янгидан кашф этишнинг зарурати ва аҳамияти катта. Навоийдан *Инсонга муҳаббатни, ҳаётга муҳаббатни, футувват ва жавонмардликни, вафо ва садоқат*ни ўрганишимиз лозим. Алишер Навоийда ҳамма нарса инсон қалби гўзаллиги, инсон ахлоқий камолоти нуқтаи назаридан олиб қаралади.

Шоирнинг исломга муносабатини олиб кўрайлик. Навоий учун Парвардигор — олам яратувчиси, оламни яратишдан мақсад эса — одамни — махлуқот гултожини яратиш. Шоир мана шуни англашни имоннинг асоси деб билади. Ва исломга буюк маърифат деб қарайди. Яъни, дунёни, Илоҳни ва ўзликни билиш маърифати. Навоийнинг барча достонлари, девонлари аввал Парвардигори оламга ҳамд билан бошланади, сўнгра Пайғамбар (с.а.в.) наътлари келади. Кейин сўфийлар, пирларга бағишланган боблар, унинг кетидан эса асар воқеалари бошланади. Девонларда эса сўфиёна ғазаллардан сўнг «ишқи илоҳий» ва «ишқи мажозий»ни бирга олиб куйлаган ғазаллар келтирилган.

Бу нимага ишора?

Биринчидан, шунга ишораким, Навоий дунёқараши яхлитдир. У ҳеч қачон ва ҳеч ерда моддийликни илоҳийликка, дунёвийликни охиратга қарама-қарши қўйган эмас. У комил мусулмон, имон мустаҳкамлигини, илоҳий қудратнинг чексизлигини куйлаган шоир. Аммо Навоий шариат ва унинг аҳкомларини назмга солган, гўру қиёмат азоби билан одамларни қўрқитувчи шоир эмас. У дунёни ва Илоҳни тасаввуф ва тариқат ғоялари орқали идрок этади. Наът-ҳамдлар ҳам, коинот ашёлари тасвири ҳам ваҳдатул вужуд фалсафаси ғоялари асосида талқин этилади, яъни шоирнинг эътиқоди шуки, Парвардигор оламни ўз жамолига кўзгу сифатида яратди ва инсонни кўзгунинг мазҳари (фокуси)га айлантирди. Парвардигор ўз қудратини Инсон кўнгли товланишларида намоён этади. Инсон эса, буни англаши керак ва шунга муносиб бўлмоғи даркор.

Иккинчидан, бу орқали Навоий олам ягоналиги, жисм ва руҳнинг ўзаро вобасталигини ифодалаб берган.

«Ҳайрат ул-аброр» достонида наът ва ҳамдлардан кейин учта «ҳайрат» боблари келтирилган. Достоннинг мағиз-моҳияти шу бобларда акс этган. Шунга мувофиқ, асар «Ҳайрат ул-аброр» («Пок руҳнинг ҳайратланиши») деб номланган. Бу бобларда Кўнгилнинг «йўқлик олами» — Адамдан пайдо бўлиб, илоҳий олам, фаришталар олами, мулк (коинот) олами ва инсон бадани оламини сайр этиб чиқиши тасвирланади. (Бундан олдинги бобда Навоий кўнгилнинг ўзи нима эканини тушунтиради). Кўнгил ўз сайри давомида барча борлиқ, бутун мавжудотнинг Оллоҳга зикр айтишини, Оллоҳ нури билан ёритилганини кўради. Жумладан, инсон аъзолари ҳам ўз Яратувчисига тасбеҳ айтади, деб тасвирлайди Навоий. Бу билан шоир айтмоқчики, инсон кўнгли (кўнгил — бу руҳ) Оллоҳ яратган олий хилқат, у — илоҳий нур макони. Уни ифлослаш мумкин эмас. Инсон ўзини англаш учун аввал ўз Кўнглини англаш керак. Кўнгил жисмимизни юқори олам билан боғлайди. Бошқача айтганда, моддий олам билан руҳоний оламлар ўзаро вобаста ва бу Инсон деган хилқатда тажассум топган. Шу боис Инсон бутун руҳий ва моддий оламларни ўзаро боғловчи тугун ва у Парвардигорини моддий оламни англаш орқали, ўзини комил этиш орқали англайди.

Шу боис ҳам Алишер Навоий сохта диндорлик, диндан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш, ботиний оламга қарамай, зоҳирий расм-русумларни бажариш билан керилиш, риёкорлик, шафқатсизликни қоралади. Инсон аввало яхши ахлоқи, ниятининг (ҳимматининг) улуғворлиги, илоҳийлиги билан инсон. Агар бундай бўлмаса, яъни киши қалбида эзгуликка, хайрга муҳаббат бўлмаса, унинг имонига ишониш қийин. Имон ботиний оламнинг тозалиги ва бутунлиги, Ҳаққа яқинлигини намоён этиб туриши керак. Шу заминда Навоийнинг бутун ижоди ақидапарастлик, диний схоластика ва жаҳолатни рад этади.

Бугина эмас, ҳазрат Навоий динни ўз нафсига қурбон этган, бойлик ва мансаб орттириш қуролига айлантирган кимсаларни нафрат билан тилга олади, ғазабкор ҳажв қамчиси билан савалайди. Буни «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги «Риёйи шайхлар» бобида, «Маҳбуб ул-қулуб»да ва «Ситтаи зарурия» номи остида жамланган форсий қасидаларида яққол кўриш мумкин. Агар риёкор шайх назр ундириш, элни алдаш учун турли найранг тўқиса, фирибгар муфти «Бир дирам учун юз ҳақни ноҳақ этади», озгина ришва учун «кўп» «ло» (йўқ)ни «наам» (бор) деб хат битади», деб ёзади Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да. Мазкур асарда нопок қозилар, қонунбузар фақиҳ-муфтилар, ҳийлачи садр ва шайхул исломларнинг ғайришаърий ишлари, дину имонни сотиб, мол-дунё орттиришлари фош этилади. «Омий қозиким, май ичгай — ўлтурулгулукдур ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдургулукдир», деб ҳукм чиқаради Навоий. Агар ислом биносига устун бўлган қози адолат қилиш ўрнига, таъмагирлик билан қонунни бузса, шариатга ўзи риоя этмаса, унда бошқалардан нимани талаб қилиш мумкин, унда қонун нима бўлади, бундай қози Худо олдида нима деб жавоб беради?

Навоийнинг бу саволлари ҳамон долзарб, зеро, гарчи улуғ гуманист инсон ўз даври кишиларини кузатиб фикр билдирган бўлса-да, аммо у танқид остига олган одамлар ҳамон орамизда, ҳамон жиғилдонини ҳақиқат ва адолатдан устун қўйгувчилар йўқолгани йўқ.

«Минҳожун нажот» («Нажот йўли») номли форсий қасидадаги мана бу байтларга диққат қилинг:

***В-гар аз ғояти ислом майли***
***ҳаж куни ногоҳ,***
***Матои Макка пурси аз гарони***
***ёхуд арзоний.***
***Агар суди накў уммед бошад,***
***бор барбандй,***
***Дар ин ҳаж кай фарқ бошад***
***дар исломию насроний?***

(Агар ислом талаби билан ногоҳ ҳажга бормоқчи бўлсанг, аввал Маккадаги матоларнинг қиммат ёки арзонлигини сўрайсан. Агар яхши фойда олиш умиди бўлса, юкни ортиб йўлга тушасан. Бундай ҳажда мусулмонлик билан насронийлик орасида қандай фарқ бор?!)

Ахир ҳажга тижорат учун эмас, холисанлиллоҳ Каъба зиёратига бориш керак-ку! Навоий фош этишни давом эттириб, бундай одамлар агар тижоратдан нафъ кўришни умид қилмасалар, «йўл хавфу хатари ва жисмоний заифликни» баҳона қилиб, ҳажга бормай қўя қоладилар, дейди.

*(Давоми бор.)*

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**
**профессор.**

### «Маҳбуб ул-қулуб» ҳикматлари

#### САХОВАТ ҚАНДАЙ ҚИЛИНАДИ?

*Яхшиликларни топмоқ — едирмоқдир; айбларни яширмоқ — кийдирмоқдир. Зарур вақтида берилган эски чопон ва бўз тўн — саховат; бемаҳал ҳадя қилинган зарбафт чопон — ярамасликдир.*

*Овқатим увол бўлмасин десанг — едир; либосим эскирмасин десанг — кийдир.*

*Саховат қилиш йўлини шу айтилган гаплардан англа; аммо олижаноблик ва мардлик расмлари бундан бошқачадир.*

#### ОЛИЖАНОБЛИК ВА МАРДЛИК

*Карам — бир жафокашнинг оғир юкини кўтармоқ ва ўша юкнинг машаққатидан уни қутқармоқдир. Карам — бировнинг тиканли машаққат юкини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида қайта оғиз очмаслик; ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир...*

#### МУРУВВАТ

*Карамлик одам у гўзал матодан (карамдан) айрилишни хоҳламайди: мурувват эгаси ҳам шундай шарафли хулқдан ажрамайди.*

*Карам билан мурувват иккаласи қайда бўлса ҳам тангри паноҳида бўлгай, иззат ва ҳурмат маконида ўрин тутгай.*

Спорт

## ҒОЛИБЛАР ТАЛАБА БЎЛИШАДИ

Ёшлар ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунига етди. Салкам бир ҳафта давом этган мусобақа Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежида ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон республикасидан 250 нафар боксчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Ўн икки вазн тоифасида ташкил этилган биринчиликнинг одилона ўтишини таъминлаш учун йигирмага яқин АИБА, ФАБА ҳамда миллий тоифадаги ҳакамлар жалб этилиб, ғолиблар махсус компьютерлар орқали аниқлаб борилди. Шиддатли жанглар якунига кўра, қуйидаги «чарм қўлқоп» усталари ўз вазн тоифалари бўйича олтин медаль соҳиби бўлишди: Шерзод Жўраев (46 кг.), Баҳром Ҳидиров (48 кг., иккаласи ҳам Жиззахдан), Камолиддин Аҳмедов (51 кг., Тошкент вил.), Зоҳид Худойбердиев (54 кг., Андижон), Ботир Бозоров (57 кг.), Баҳром Эрдонаев (60 кг., иккиси ҳам Жиззах), Абдулазиз Матазимов (64 кг., Тошкент вил.), Аҳрор Қурбонов (69 кг.), Аброр Орипов (75 кг., иккаласи ҳам Андижондан), Санжар Холиқулов (81 кг., Жиззах), Рамзиддин Аҳмедов (91 кг.,), Рафқат Абдуллаев (+91 кг., Фарғона).

— Спортчиларнинг маҳорати жойларда мураббийларнинг кўнгилдагидек иш олиб бораётганини кўрсатди, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Мансур Маҳмудов. — Энди биз ғолиб ҳамда совриндорлар ўртасида алоҳида йиғин ташкил этиб, уларнинг муносибларини шу йил август ва октябрь ойларида ўтадиган жаҳон, Осиё биринчиликларига олиб борамиз.

Шунингдек, Ўзбекистон биринчилиги чемпионлари олий ўқув юртларига имтиёзли кириш ҳуқуқига ҳам эга бўлишди.

**Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ**



**Суратда:** Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Мансур Маҳмудов мусобақа қатнашчиларидан бир гуруҳи билан.

### ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА БОКС БЎЛМАЙДИМИ?



Халқаро Олимпия қўмитаси 2008 йили Пекинда ўтказиладиган навбатдаги Олимпия ўйинларига спортнинг бокс турини киритмаслик мумкин, деган гап-сўзлар пайдо бўлди. Сабаб, ХОҚнинг нуфузли аъзолари Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмасининг фаолиятидан қониқиш ҳосил қилмаётганидир. ХОҚдан олинган маълумотларга қараганда, яқин вақтлар ичида бокс мусобақаларига ҳакамлик қилиш ҳамда ҳакамлар тайинлаш тартибига ўзгартириш киритиларкан. Боиси, бир неча йиллардан бери боксчининг зарбаларини ҳисоблаб бориш электрон усулда бажарилаётган бўлишига қарамай, ғолибни белгилаш баҳсли кечмоқда. Айниқса, Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмасининг раҳбари покистонлик Анвар Чаудрининг фаолиятидан ХОҚ қониқмаяпти. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йили ёзда ХОҚ мазкур уюшмага ажратилган 9 миллион долларни «музлатиб» қўйди.

Жак Роггенинг айтишига қараганда, Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз бермагунча, бу маблағдан фойдаланилмас экан. Албатта, Олимпия ўйинларидан бокс мусобақаларини олиб ташлаш мухлисларни ранжитиши табиий. Шунинг учун ҳам ХОҚ бир қарорга келишдан олдин масалани ҳар жиҳатдан ўрганмоқда.

### ХОҚ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРИНДА

Куни кеча Халқаро Олимпия қўмитасининг президенти Жак Рогге XX қишки олимпия ўйинлари ўтказиладиган Турин шаҳрига ташриф буюрди. У ўзининг дастлабки нутқидаёқ Италия ташкилотчилари навбатдаги спорт анжуманини кўтаринки руҳда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрганлар, деган фикрни айтган. «Олимпия ўйинларига тайёргарлик ҳамиша мураккаб кечади, — дейди ХОҚ президенти. — Лекин муддаога етиш учун ҳар қандай имкониятлардан фойдаланишга тўғри келади. Бу сафарги қишки олимпия ўйинлари ҳам яхши маънодаги ҳис-ҳаяжон ва бетакрор воқеаларга бой бўлади, деб ўйлайман». Шунингдек, Рогге бу галги олимпия ўйинлари кезлари спортчиларни камида 1200 марта допинг текширувидан ўтказиш режалаштирилганини ҳам қайд этди.



### ЦЗЮ РАҚСГА ТУШМОҚЧИ

Россиялик боксчи, ўзининг ҳаёти ва машғулотларини асосан Австралияда давом эттираётган Константин Цзю ўтган йилнинг 4 июнь куни англиялик Рикки Хаттон билан рингга чиқиб, техник нокаутга учраган эди. Ўшандан бери Константиннинг рингга қайтиш-қайтмаслиги даргумон бўлиб турганди. Мана энди, у янгича кўринишда саҳнага чиқадиганга ўхшайди. Биринчи ярим ўрта вазндаги собиқ жаҳон чемпиони Австралия телевидениесида ташкил этилаётган рақс шоусида қатнашишга қарор қилган. «Бу тадбирга «Юлдузлар билан рақс» номи берилган, — дейди Цзю. — Бу таклифни рафиқам Наташа менга айтди. У нима учундир менинг рақсга тушишимни жуда истаяпти».



«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕКИСТОН-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА КОРХОНА СИФАТИДА ҒЎЗАНИ, БОҒ ВА ИССИҚХОНАЛАРНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ



СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.



«САНИПЛАСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ, МАТЕРИАЛЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ ВА МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ. БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ЭКИНЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАШДА МАСЛАҲАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР.

*Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказамиз.*

Хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» даҳаси, 11-уй.
Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ**
2006 йил 14,21,28 март кунлари Ўзбекистон банклари ассоциациясининг биносида соат **11⁰⁰** да аукцион савдоларини ўтказади.

*Аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилмоқда:*
*Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган, АТ «Турон» банкининг Бектемир филиалига тегишли давлат рақами 10 АР 939 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автоулов.*

**Бошланғич баҳоси — 3 700 000 сўм.**

*Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.*
*Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.*

***Шунингдек, аввал аукцион савдоларига қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан савдоларга қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.***

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
***Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.***

*Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан Юнусобод тумани, 17-мавзе, Саноат ҳудудида жойлашган «Ташоблнефтепродукт» ИЧБ номига 1997 йил 2 октябрда берилган 2529380497-сонли ер кадастри йўқолганлиги сабабли*
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Alijon ABDURAHMONOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
*Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.*
*Hajmi 2 bosma taboq.*
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 450
14289 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda